

UDK 634.717.1

## МАЙМУНЖОННИНГ (RUBUS FRUTICOSUS) ХЎЖАЛИК БИОЛОГК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

*Хўжаев Хамидулло Шахобиддинович  
Ўринов Дилмуроджон Мирзамахмудович  
Бердалиев Хусниддин Норкул ўгли  
Академик М.Мирзаев номидаги БУ ва ВИТИ  
Андижон ИТС илмий ходимлари*

**Аннотация** Маймунжон ўсимлиги ўзининг муҳим доривор хусусиятлари, тез ҳосилга кириши, юқори маҳсулдорлиги ва агробиологик кўрсаткичлари бўйича резавор экинлари ичида алоҳида ўрин тутади. Мақолада маймунжон ўсимлигининг келиб чиқиши, унинг дунё миқёсида, етиштирилиши, шифобахшлиги, агробиологик хусусиятлари, таркиби ва истиқболли навларининг таснифи ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** маймунжон, дала шароити, нав, раъногулдошлар оиласи, агротехника, Честер торнлесс, Блек жем, Тройная корона.

Мамлакатимизда етиштирилаётган резавор-мевали экинлар орасида маймунжан оммалашаётган ўсимликлардан бири ҳисобланади. Маймунжон ўсимлиги дориворлик хусиятлари билан бир қатор ўсимликлардан афзал туради.

Хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда бозор ва дуконларини экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган экин майдонларини мева сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун ихтисослаштирилиши ҳақида такидлаб ўтдилар.

Хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 02-январдаги 51-сонли қарори Мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт ҳажмини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлик ва самарадорликни оширишга хизмат килади. Шу боисдан Резавор мевали экинлар ҳам қишлоқ хўжалигининг ажиралмас бир қисмини ташкил этган ҳолда, ноёб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиб аҳолининг турмуш даражаси ортиб бориши билан бирга уларга бўлган кун сайин талаб ҳам ортиб бормоқда

Резавор мева экинларига ва уларни истиқболли серҳосил навларига талаб йилдан-йилга ортиб бораётганлиги сабабли мева экинларининг янги турлари ҳамда уларнинг серҳосил, инсон саломатлиги учун зарур фаол моддаларга бой

навларини интродукция килиш ва янги навларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Резавор меваларга қулупнай, қорағат, хўжағат, клюква, маймунжон, қрижовник, калина, жимолость ва бошқа шу каби ажойиб ўсимликлар киритилади.

Резавор меваларни ичида маймунжон қимматли моддаларга бой ва улар шифобахш маҳсулотлардир.

Маймунжон-Ежевика (*Rubus fruticosus*)-раъногулдошлар оиласи *tribis* туркимига мансуб кўп йиллик чала бута, резавор мева. Маймунжоннинг 1350 дан ортик ёввойи тури бўлиб, Еврооосиёнинг мўтадил ва субтропик минтақаларида кенг тарқалган. Маймунжоннинг маданий навлари оддий ёки қизил (*R.idaeus*), дағ ал тукли ёки америка хўжағат (*R.strigosus*) ғарби ёки маймунжонсимон хўжағат. (*R.occidentalis*) ва бошқа турлари учрайди. Ўрта Осиё, Шарқи Сибир, Узоқ Шарқ, АҚШ ва Европа мамлакатларида ўстирилиб 1867-йилда АҚШ нинг Пен штатида маданийлаштирилиб дастлабки дурагайлари олинган.

Америка Қўшма Штатларидан етакчи сифатида Орегон Калифорни, Арканзас штатларида 1995-йилга келиб маймунжон мевалирини саноат миқёсида етиштириш учун 2500 гектар майдонда 1930000 килограм хосил етиштириб европа давлатларига экспорт килиши натижасида маймунжон етиштириш оммалашиб кетган.

Меваси таркибида Витамин В таркибига кирувчи каротин, аскорбин кислота токоферол кобаламин моддалари мавждлиги боис турли инфекцион кассаликлар олдини олдини олишда айниқса COVID-19 касалигини олишда ва касаликни асоратларини бартараф этишда кенг фойдаланиши сабабли пандемия даридан сўнг Европа мамлакатлари ахоли томоркаларида парваришлаб кўпатириш ва янги навларига кизиқиш кескин ортиб кетди.

Маймунжон илдизи кўп йиллик, пояси икки йиллик. Бугаси баландлиги 3-10 м. Новдани ўсиши билан бир вақтда барглар пайдо бўлади. Баргларнинг ўсиши ўртача 30-32 кун давом этади. барглари уч баргли ёки беш-этти бўлакли, қиррали оч яшил рангга эга, иккала томони тукли тўқ патсимон, мураккаб, кетма-кет жойлашган.

Гуллари оқ рангда айрим навлари пушти икки жинсли, ўзидан чанглатади. Меваси қора, баъзан пушти. Ўзбекистонда апрелнинг охири май ойинг обшларида гулайди. Биринчи тартиб гуллари поянинг учиди пайдо бўлади кейинги гул куртаклари ўрта ва пастги қисмларида ривожланади. Меваси май охири-июнь, бошидан пиша бошлайди, айрим навлари августнинг 2-ярмида мева тугади, 100 гр маҳсулот учун озуқавий қиймати энергия қиймати 43 ккал 180 кЖ. Меваси таркибида сув 88.15, оқсиллар 1.39, ёғлар 0,49, углеводлар 9.61 шакар, 4.88 сеюлоза (клетчатка) 5.3 граммни ташкил этади. Витаминлардан В гурухи витаминлари, каротин, 28 мкг Аскорбин кислотаси (вит. С), 21 мг токоферол 1,17 мг (вит. Е), К 20 мкг витамини ҳамда хушбўй моддалар мавжуд.



Янги маймунжон мевалари иммунитет тизимини мустаҳкамлайди, метаболизмни яхшилади ва тананинг барча функцияларини нормаллаштиради. Улар резаворларни ташкил этувчи биофлавоноидлар туфайли антипиретик хусусиятларга эга. Маймунжон мевалари буйрак касалликлари, сийдик пуфаги касалликлари ва ошқозон ва ичак касалликларини даволашда ишлатилади. Улар диабет ва қўшма касалликларда ҳам фойдалидир. Маймунжон мевалари мия ва асаб тизимининг ишига ижобий таъсир кўрсатади.

Маймунжон барглари ва илдизлари ярани даволовчи, бириктирувчи, яллиғланишга қарши хусусиятларга эга ва илдиз инфузиони кучли диуретик таъсирга эга.

Маймунжонни мевалари ниҳоятда фойдали ва жуда мазали ҳисобланиб, шунинг учун йилдан йилга унинг мевасини етиштириш тобора оммалашиб бормоқда.

Маймунжон етиштирувчи етакчи давлатлар резавор экиннинг асосан тиконсиз навларидан Нечез Тройная корона Блек жем Лох Тей Гай, Торнлесс Эвергрин, Полар, Честер Тонлесс, Карака блек Торнфи. навлари юқори ҳосилли, қайта ишлаш саноати учун қулай эканлиги, транспортабелли юқорилиги билан ишлаб чиқарувчилар томонидан ўрганилган.

Юртимизда маймунжоннинг АҚШ селекциясига мансуб Натечез, Честер Торнлесс, Блек жем ва Тройная корона навлари кўпроқ томорқа боғларида етиштирилмоқда.

Натез Маймунжон бутаси баландлиги тахминан 4-6 метр бўлиб, меваси йирик ўртача вазни 09 - 13 грамм ни ташкил этади. Мевасининг шакли чўзилган-овал, териси кучли, танаси силлиқ. Меваси хушбўй таъмли, сувли, яхши, ширин, бироз нордон, янги терилган мевалари табиий шароитда 4-5 кун сакланади. Мева таркибида қанд миқдори 9.2 дан 10,05 % гача, кислоталар 0.91 дан 1.02 % гача тўпланади.



Честер Тонлесс. Ушбу резаворнинг бу нави баландлиги 3-4 метрага этади. Қишнинг кора совукларига бардошли хисобланади. Маймунжон мевалари кора рангда бўлиб, вазни 5,0-6,7 грамм ни ташкил этади. Меваларнинг териси юпка, гўшти сувли. Уруғлари ок рангда юраксимон. Таъми ширин ёқимли, татиб кўриш 5 балли тизимда 4,6 балл. Мева таркибида қанд миқдори юқори бўлиб, 13,1% ни ташкил этади

**Блек жем** маймунжоннинг бу ремонтант навлар грухига мансуб баландлиги 1.5-2 метрага этади бутасининг шакли вертикал, ихчамлиги билан теришини осонлаштиради. Маймунжон мевалари кора рангда бўлиб, овалсимон шаклда мева этиш юшок сувли бир дона мева вазни 6-8 грамм ни бир новдада индивидуал мева вазини 15-18 грами хосилдорлик эса хар бир тупидан ўртача 5-7 кг ташкил этади. Уруғлари ок рангда юраксимон бўлиб улар жуда кичик. Таъми ширин ёқимли, татиб кўриш 5 балли тизимда 4,7 балл.







Тройная корона Маймунжон бутаси баландлиги ўртача 2.5-3 метр бўлиб, танаси силлиқ ярим тик ўсади. Меваларининг пишиши июл ойининг охирида бошланиб октябр ойининг охиригача давом этади. Мева шакли чўзилган-овал, йирик ўртача вазни 8 - 10 грамм ни ташкил этади. Меваси хушбўй таъмли, сувли, ширин, мева таркидаги қанд миқдори 9.2 дан 12.5 % гача, кислоталар 0.91 % гача тўпланади.

Маймунжон — ежевика физик хусусиятлари яхши, донатор, механик таркиби енгил, сув ва ҳаво сингадиган тупроқларда яхши ўсади. Ежевика ҳаво яхши алмашадиган, ғовак, донатор ва тез қизийдиган тупроқларда тез ўсиб ривожланиб, юқори ва сифатли ҳосил беради. Аммо тегишли агротехник чоратadbирларни ўз вақтида ўтказиб, уни барча тупроқларда етиштириш мумкин.

Маймунжон кўчатларини екиш учун танланган майдонда чуқур шудгорлаш амалга оширилади. Тайёрланган чуқурларга 6-8 кг гача чиринди ёки компост, 100-150 г суперфосфат, 40-50 г калийли ўғитлар ёки ярим литрли ёғоч кули кўшилади. Буларнинг барчаси яхшилаб аралаштирилиши керак. Чуқурликлар ҳажмининг 2/3 қисмигача тўлдиридилиб экилади. Тик ўсувчи навларининг кўчатлари қатор оралиғи камида 1,8-2 м бўлган ҳолда ҳар 0,8-1 м да қаторга жойлаштирилади. Ўрмаловчи навлар эса 2,5-3,5 м масофада жойлаштирилади. Екиш учун илдизи яхши ривожланган кўчатларлар танланади.

Ўртача озуқавий моддалар билан таъминланган тупроқлар учун ҳар йили 6-8 кг гача чиринди ёки компост, 50-60 г аммиакли селитра, 90-100 г суперфосфат, 25-30 г калийли ўғитлар, яхшиси хлорсиз, битта мевали бир тупига. Калийли ўғитлар ўрнига сиз ёғоч кулидан фойдаланиш мумкин мумкин Шунини эсда тутиш керакки, азотли ўғитлар баҳорда ва ёзнинг бошида қўлланилади. Калий ва фосфорнинг асосий қисмини ўсимлик мева беришдан кейин озиқлантириш зарур.

Маймунжон илдиз бачкилари, қаламчаларидан ва пархеш усуларида кўпайтирилади. Кўчати ўтказилгач, 2-йил ҳосилга киради. Маймунжоннинг симбағазларга боғлаб ҳам ўстирса бўлади. Ҳосили тугагач, бир йиллик новдалари қолдириб, икки йилликлари қирқиб ташланади. Маймунжон озиқ моддаларга бой, сернам сувни яхши ўтказадиган, ер ости сувлари камида 1,5 м. чуқурликда бўлган ерларда яхши ўсади. Маймунжон кўчатлари эрта баҳорда ёки кеч кузда қатор оралиғи 50-70 см. схемада экилади. Ёз давомида қатор оралиги юмшатилади. 10-12 марта суғорилади. Ҳосилдорлиги ўртача 40-60 ц/т. Га

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 02-январдаги 51-сонли қарори.
3. Абдуллаев Р.М., Ягудина С.И. Приусадебные ягодники. – Т.: Мехнат, 1988. – 123 С.
4. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Х.Р. Резавор мевали ўсимликлар. -.Т.: Мехнат, 2020 й. 81-91 бет
5. Киртбая Е. К. Ежевика//Ягодные культуры,- Краснодар, 1966
6. Грюнер Л. А. Классификатор рода Rubus L., подрода Eubatus Focke (ежевика).- СП: ВИР, 1993,